УМРИНИНГ УЧ ЙИЛИНИ БУХОРОДА ЎТКАЗГАН ШАЙХ ХОЖА ҲАСАН БУЛҒОРИЙ: МУХТАСАР ТАЛҚИН ВА ТАҲЛИЛ

SHAYKH KHWAJA HASAN BULGARIY WHO SPENT THREE YEARS OF HIS LIFE IN BUKHARA: A BRIEF INTERPRETATION AND ANALYSIS

ТРИ ГОДА ЖИЗНИ, ПРОВЕДЕННЫЕ В БУХАРЕ, ШЕЙХОМ ХОДЖЕЙ ХАСАНОМ БУЛГАРИЕМ: КРАТКОЕ ТОЛКОВАНИЕ И АНАЛИЗ

NASRULLAYEV Nematullo Hikmatullayevich,
INTERNATIONAL ISLAMIC ACADEMY OF UZBEKISTAN,
Associate Professor at the «Islamic History and Source Studies IRCICA» Department,
Doctor of Theological Sciences (DSc)

Аннотация. *Мазкур мақола Бухоро шаҳрининг тарихий, маданий ва илмий аҳамиятига, шунингдек, унинг ўтмишдаги буюк диний ва илмий шахсларидан бири Хожа Ҳасан Булғорий ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Бухоро шаҳри, юртимизнинг қадимий ва машҳур илмий марказларидан бири сифатида, ўзининг бой тарихий мероси, диний, илмий ва маданий анъаналари билан Шарқда алоҳида ўринга эга. Хожа Ҳасан Булғорий, Бухоро шаҳрида ўзининг илмий фаолияти ва диний таълимоти билан танилган, шунингдек, у тасаввуф илмига оид ўгитлар ва амалиётлари билан ҳам машҳурдир.*

Ушбу мақолада Хожа Ҳасан Булғорий ҳаёти, унинг илмий ишлари, диний таълимотлари ва шогирдлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Мақолада Булғорийнинг Бухородаги илмий ва диний фаолиятининг аҳамияти, шунингдек, унинг тасаввуфдаги ўрни ва халқ орасидаги таъсири тўғрисида сўз боради. Булғорий нафақат ўз даврининг машҳур олими, балки унинг нафақат Бухорода, балки бутун ўша даврдаги мусулмон дунёсида таъсир ўтказганлиги ҳам таъкидланади. Хожа Ҳасан Булғорийнинг шогирдлари орасида, масалан, Садруш-шариъа номи билан танилган Убайдуллоҳ ибн Масъуд каби йирик мутафаккирлар мавжуд эди, улар Булғорийдан олинган илмий ва диний ўгитларга асосланиб, ўз фаолиятларини давом эттирганлар. Шунингдек, мақолада Булғорийнинг илмий услубининг хусусиятлари, унинг ҳаётига оид маълумотлар, шунингдек, унинг номи билан аталган Бухородаги «Хожа Булғорий» гузари ва масжидининг аҳамияти ҳақида ҳам батафсил маълумотлар келтирилган. Булғорийнинг тарихий мероси ва унинг илмий ютуқлари, бугунги кунда ҳам Бухоро шаҳрининг диний ва илмий ҳаётида ўзининг катта аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Калит сўзлар: *Бухоро, Мовароуннаҳр , Хожа Ҳасан Булғорий, илмий мерос, тасаввуф, фиқҳ, калом, Бухоро олимлари, тарих, маданият, илм-фан, муаррих, устоз, шогирд, Бухоро мадрасалари, илмий таъсир, Бухоро тарихий шахслар.*

Abstract. *This article is dedicated to the historical, cultural, and scientific significance of the city of Bukhara, as well as the life and work of one of its great religious and scientific figures, Khwaja Hasan Bulghariy. Bukhara, as one of the ancient and renowned scientific centers of our country, holds a special place in the East due to its rich historical heritage, religious, scientific, and cultural traditions. Khwaja Hasan Bulghariy, known for his scientific activities and religious teachings in Bukhara, is also famous for his teachings and practices related to Sufism.*

This article provides detailed information about Khwaja Hasan Bulghariy's life, his scientific works, religious teachings, and his disciples. The article discusses the importance of Bulghariy's scientific and religious activities in Bukhara, as well as his place in Sufism and his influence on the people. Bulghariy was a famous scholar of his time and had a significant impact not only in Bukhara but across the entire Muslim world of that era. Among the disciples of Khwaja Hasan Bughari were prominent thinkers such as Ubaydullah ibn Mas'ud, known as Sadr al-Shari'a. They continued their scholarly and religious pursuits based on the teachings and guidance received from Bughari. The article also highlights the characteristics of Bulghariy's scientific methodology, details about his life, and the importance of the «Khwaja Bulghariy» street and mosque in Bukhara, named after him. The historical legacy and scholarly achievements of Bughari continue to hold significant importance in the religious and intellectual life of the city of Bukhara to this day.

Keywords: *Bukhara, Mawarannahr, Khwaja Hasan Bulghari, scientific heritage, Sufism, fiqh, Kalam, Bukhara scholars, history, culture, science, historian, teacher, disciple, Bukhara madrasas, scientific influence, historical figures of Bukhara.*

Аннотация. *Данная статья посвящена историческому, культурному и научному значению города Бухары, а также жизни и деятельности одного из её великих религиозных и научных деятелей, Ходжи Хасана Булгари. Бухара, как один из древнейших и известных научных центров нашей страны, занимает особое место на Востоке благодаря своему богатому историческому наследию, религиозным, научным и культурным традициям. Ходжа Хасан Булгари, известный своей научной деятельностью и религиозным учением в Бухаре, также славится своими учениями и практиками, связанными с суфизмом. В статье приводится подробная информация о жизни Ходжи Хасана Булгари, его научных трудах, религиозных учениях и учениках. В статье обсуждается значение научной и религиозной деятельности Булгари в Бухаре, его место в суфизме и*

влияние на народ. Булгорий был не только знаменитым ученым своего времени, но и человеком, оказавшим значительное влияние не только в Бухаре, но и на весь мусульманский мир того времени. Среди учеников Ходжи Хасана Булгари были выдающиеся мыслители, такие как Убайдуллох ибн Мас'уд, известный как Садр-уш-шариа, которые продолжили свою деятельность, основываясь на научных и религиозных учениях, полученных от Булгари. Также в статье раскрываются особенности научной методологии Булгари, информация о его жизни, а также значение названных в его честь улицы и мечети «Ходжа Булгорий» в Бухаре. Историческое наследие Булгари и его научные достижения по-прежнему сохраняют большое значение в религиозной и научной жизни Бухары на сегодняшний день.

Ключевые слова: *Бухара, Мавараннахр, Ходжа Хасан Булгари, научное наследие, суфизм, фикх, калам, учёные Бухары, история, культура, наука, историк, учитель, ученик, бухарские медресе, научное влияние, исторические личности Бухары.*

КИРИШ

Бухоро шаҳри Мовароуннаҳрнинг бошқа ҳудудлари каби қадим мусулмон шарқининг йирик илм-фан ва маданият марказлари қаторида шуҳрат қозонди. Самарқанд рўйи заминнинг сайқали бўлса, Бухоро ислом динининг қуввати ва қудрати сифатида бутун оламга танилди. Унинг шонли тарихи ҳақида кўпчилик муаррихлар томонидан қатор китоблар битилган (Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садрушшариа, 2024:52-54). Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги туманларда фаолият юритган илм-масканлари ва улардан етишиб чиққан олимларни ўрганиб, уни интиқосига етказиш етишиб бўлмайдиган иш бўлса керак. Биргина, Бухоро тарих саҳнасидаги XIII асрни оладиган бўлсак, бу юз йилликнинг "мухтасар" қонли ва шонли қирраларини эслашнинг ўзи кифоя. Бу аср бир томондан мўғулларнинг Мовароуннаҳрга қаҳшатли юришлари билан кечса-да, иккинчи томондан туркий халқларни бирлаштириб, мусулмон шарқида навбатдаги ренессансни бошлаб берди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бухоро шаҳри ўзининг муфассир, муҳаддис, мутакаллим, муаррих, фақиҳ, олим ва адиблари билан ўлка моддий ва маданий-маънавий маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган. У илм масканлари кўплиги билан дунё бўйича алоҳида ўрин тутади десак, муболаға бўлмайди. Мана шундай улуғвор ва сермаҳсул юрт, унга атроф қўшни мамлакатлардан ҳам илм истаб келувчиларнинг сонини орттирди. Ушбу ўринда қисқа муддат Бухорода яшаб тарихий шахсга айланиб улгурган Хожа Ҳасан Булғорий (ваф. 1299) ҳақида сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

Россиялик замонавий таниқли олим Гамирзан Миргазянович Давлетшин X-XIII асрларда Булғор давлатида фаолият юритган жами ўн етти машҳур зиёлийлар қатламини тилга олади. Уларнинг барчаси "Булғорий" нисбаси билан ижод этган. Хожа Ҳасан ибн Умар ал-Булғорий – авлиё, шайх, имом, тасаввуф пири, улуғ устоз, илҳом аҳли, атоқли булғор диний арбоби, сифатида танилган. Ўз даврининг барча илмларини пухта эгаллаган. Отаси Хожа Умар номи чиққан савдогар ва давлат арбобларидан бўлган. Хожа Ҳасан Булғорий Банжа шаҳридаги Сабан собори масжидининг имом-хатиби эди. У шайх Саъдиддин ал-Ҳамавийнинг издошларидан бири (Давлетшин Г., 1990). Хожа Ҳасан Булғорда 30 йил (1226-1256) яшаб, 1256 йилда Ўрда маъмурияти томонидан таъзиққа олиниши сабаб, илм талабида аввал Бухорога, кейинчалик Хуросоннинг Кирмон шаҳри, у ердан Табризга кўчиб муқим яшайди ва ўша ерда вафот этади.

Хожа Булғорий ватани, унинг атрофи хусусан, Нахживон, Хуросон ва Мовароуннаҳр ҳудудида кўплаб шогирд – муридлар етиштириб чиқарган. Уларнинг орасида бухоролик фақиҳ Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садруш-шариа (ваф.747/1346) ҳам бор. Бу маълумот фақиҳнинг "Таъдилул-улум" асарида келтирилиб, китоб муаллифи замонасининг машҳур шайхларидан бири Ҳасан Булғорийни "Шайхимиз" деган мурожаатидан, унинг Садруш-шариага устозлигини билса бўлади.

Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Маҳмуд ал-Маҳбубий ал-Кирмоний; Садруш-шариа ас-соний Убайдуллоҳ ибн Масъуд ибн Умар ибн Садруш-шариа ал-аввал ал-Маҳбубий ал-Бухорий ҳанафий фақиҳи ва калом олими -(Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний, 2021:7-8).

Убайдуллоҳ ибн Масъуд уламолар оиласига мансуб бўлиб, отаси ва бобосидан илм таҳсил қилган. Ақлий ва нақлий илмлар, хусусан, калом, мантиқ, усул ва фуруъул фиқҳда дақиқ соҳиби эканидан асарлари кейинги давр уламолари томонидан кенг тарғиб қилинган (Насруллаев Н., 2021:32). Садруш-шариа ва унинг барча аждодлари илму фан арбоблари сифатида кўп ҳурмат ва иззат билан яшаганлар (Ahmet Ozel, 2006:81).

Охунд Хованд тўғрисида Носириддин Ҳанафий: "Охунд Хованд ҳазратларининг муборак исми – Убайдуллоҳ. У зод "Мухтасар" мусаннифи. Лақаби "Садруш-шариа", отасининг исми Масъуд, муҳтарам бобосининг исми Умар, лақаби "Садруш-шариа"дир. Охунд Хованд ҳижрий 747 йили вафот этган. Муборак марқади Айуб алайҳиссалом ҳазратларининг шарқий томонидаги йўлнинг шарқий тарафида сокиндур" (Носириддин Ҳанафий,

ЎзР ФА ШИ №209:99), деб ёзади.

Бироқ Убайдуллоҳ Садруш-шариа насабномаси битилган бошқа бир рисолада унинг қабри Ироқ мулкида экани ёзилган. Мазкур рисолада унинг насаб шажараси Расулуллоҳ алайҳиссалом давриларига етиб боради (Садр аш-шариа, ЎзР ФА ШИ. №13005/II:1-2.).

Охунд Хованд Садруш-шариа садрлар силсиласида зикр қилинган. У арабу ажамнинг туғи, дунё олимларининг устози ва Одам фарзандлари шарафлисидир. Ёзиб қолдирган асарлари камолотидан нишонадир. Ўрганиб олинган илмлардан ташқари Аллоҳ субҳанаҳу таоло унга ладуний илм ва карoматидан бериб, кутубхонасига "Даргоҳимизда илм берган эдик"ни киритди ва унга "Бандасига туширган ваҳийни келтиради"ни ишора билан баён қилди. У соликлар шайхи Мажзуб Ҳасан Булғорий ҳузурида файз топиб, ҳиж. 747 йил вафот этди. У ва яқинлари ҳам Шаръоббоддандир" (Воҳидов Ш., Аминов Б., 2009:38-39).

Садруш-шариа хожагон тариқатининг силсилали намоёндаларидан бўлган устозлари аввалида Мажзуб Ҳасан Булғорий туради (Ҳасан Булғорий, 1397:62-63). Ўз даврида унинг овозаси ўрусдан тортиб, булғоргача, Булғордан Бухоро ва бутун Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонга етиб борган. У баланд бўйли, сочлари узун ва қўнғир, юзи оқ-қизил аралаш, икки кўзининг оқи қизғиш бўлганидан, унга бир қараган киши ҳайратидан яна такрор разм солган.

Бухоролик Хожа Авлиёи Ғариб: Ҳасан Булғорийни ёд этиб, "Мовароуннаҳрдаги барча халқлар унга мурид бўлди, унинг каромати ҳам айни шунда эди", деб таъкидлайди (Ҳасан Булғорий, 1397:123-124). Шайх Ҳасан Булғорий мақоматларида у зот умрлари давомида 28та Аҳлуллоҳлар хизматида бўлганлари келтирилади.

Ўша даврда ўлканинг барча машҳур олиму фозиллари ва амирлар Хожа Ҳасанни зиёрат этишга келиб, баъзилари унга мурид бўлар, бошқалари эса, унинг илмини имтиҳон қилишдан ҳечам тортинмасди. Чунки, у ҳақда: Мовароуннаҳрга бир шайх келибди, у бирор-бир устоздан илми-таълим кўрмасдан, Қуръони карим, ҳадис, фиқҳ, калом ва бошқа илмларни Аллоҳ унга ато этган илми ладуний орқали эришгани ҳақидаги гап-сўзлар атрофга тарқалгани сабабидан эди. Бунинг исботи ўлароқ, ҳисоб илми олими билан кечган бир баҳсда Булғорий арифметик масала ечимига жадал илми бўйича нақлий жавоб берганида, рақиби ундан ақлий жавобни талаб қилди. Шунда у ақл таърифини айтиб, унга ҳисоб билан Фаробий ва Ибн Синолардан фойдаланиб ақлий ечим қилиб берди (Ҳасан Булғорий, 1397:128-130). Бу эса, булғорийнинг калом, мантиқ, фалсафа ва ҳисоб илмидан ҳам чуқур хабардор бўлганини кўрсатади. Зеро, мазкур илмларни амалда эгаллаб олган илм кишиси ҳисоб илмини ўзлаштиришдан ғафлатда қолиши мумкин эмас.

Ўз даврида Булғорда Ҳасан Булғорий қўлида 1500 дан зиёд тарсолар мусулмон бўлган. У ўз она шаҳрида 7 та жомеъ масжид қурдирган. Силсилада Булғорийдан илгари Шайх Шамсиддин Розий, Шайх Ҳусайн Саққо, Шайх Абу Нажиб Сухравардий (ваф.1168)лар туради. Ҳасан Булғорийнинг таниқли муриди Бадриддин Майдоний сўнгги мўғуллар (Кебекхон бошқаруви) даврида Бухоро шаҳрининг машҳур шайхларидан бўлган (Ҳасан Булғорий, 1397:109).

Хусусан, Шайх Бадриддин Майдонийким, шайх Ҳасан Булғорийнинг асҳоби киборларидин турур. Ҳазрати Азизонни суҳбатини топиб эрдилар. Онлардан сўрдиларким: "Зикри қасирким бизлар Ҳақ субҳонаҳу ва таъоло наздидин онга маъмур турурмиз: "Кама қолаллоҳу таъоло зикран касиро", зикри тил турурми ё зикри дил?" Азизон ойдиларким: "Мубтадийға зикри тил ва мунтаҳийға зикри дил. Мубтадий ҳамиша такаллуф ва тааммул қилур ва жон чекар. Аммо мунтаҳийга, вақтеким, зикрнинг асари кўнгулга етушди, барча аъзо ва жавоҳир ва уруқ ва мафосиллари зикрга гўё бўлур ва ул вақтда солик зикри касир бирла мутаҳаққиқ бўлур. Ва ул вақтда онинг бир кунлик иши бошқаларнинг бир йиллик ишига баробар бўлур" (Ҳасаний М., Умурзоқ Б., 2004:58).

Асли, Волгабўйи Булғор шаҳри хонининг ўғли бўлган – шаҳзода Ҳасан Булғорий, Бухорога келиб, масжид ёнидаги бир гузар хонақоҳида яшаган. У гузар "Шайх Рангрез даҳаси"да жойлашган бўлиб, унинг таркибига Шайх Рангрез, Халифа Ҳусайн, Муҳаммад Қосим, Подшоҳхожа, Кокилайи калон, Қўйи мурғкуш, Муллабофон, Хожа Булғор, ... ва бошқа (1-18 гузар)лар кирган (Абдусаттор Жуманазар, 2017:29-30). Халқ орасида унинг обрўси тобора ортиб, ҳурмат қозона олганидан маҳаллий аҳоли уни – "Хожа Булғорий" деб, у зотга асл исмидан кўра кўпроқ мана шу ном билан мурожаат қила бошлаган. Шайх Бухорода яшаганида "Хожа Булғорий" номли гузар, мадраса ва яна шу номдаги бир масжид қурдирган.

Ҳасан Булғорий Фатхободда Сайфиддин Бохарзий билан доимий борди-келди алоқаларини йўлга қўйган (Салим Бухорий, 2015:155). Ҳатто, улар орасида "валий ва набий" ҳақида баҳс-мунозаралар бўлгани зикр этилади. Буни Фахриддин Али Сафийнинг: "Шайхул-олам шайх Сайфиддин

Боҳарзийким, шайх Нажмиддин Кубронинг асҳоби киромларидан эдилар, қаддасаллоҳу руҳаҳумо, олар била муосир эканлар, Бухоронинг Фатҳободидаким, мудфани шайх Сайфуддин ул жойдадур, ҳамроҳ бўлиб, кўб суҳбатлар тутиб турурлар ва ул замондаким, шайхи мажзуби маҳбуб ул-қулуб, шайх Ҳасан Булғорий раҳматуллоҳи таъоло, ўрис ва булғор тарафидин Бухоро вилоятига келиб турурлар ва хизмати Хожа Ғарибниким, тўқсон ёшда эканлар, топиб турурлар ва бағоят мўътақид бўлибдурлар. Ва вақтеким, шайх Сайфиддинга мулоқат этибдурлар, шайх Сайфиддин ондин сўрабдурларким: "Хожа Ғарибни не янглиғ топдингиз". Ойтибдурларким: "Марди тамом турур ва онинг сулуки жазба бирла оростадур", деб келтирган маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Асар муаллифи яна ўз сўзида давом этиб, шайх Ҳасан Булғорий муддати уч йилким Бухорода муқим бўлибдурлар, доимо Хожа Ғариб била суҳбат тутар эрдилар. Хованд Тожиддин Саттожиддинким, акобири вақтдин эрди, шундоғ манқулдурким, шайх Ҳасан Булғорий алайҳир роҳма ойдиларким: "Ман муддати ҳаётимда кўп авлиё ва арбоби қулубға хизмат этдум, ҳеч кишини Хожа Ғарибнинг мартабасида кўрмадим". Шайх Ҳасан "Мақомот"ида мазкурдирким, айтибдур: "Ман муддати умримда авлиёдин йигирма саккиз танга мулозамат этдум, олар аввали шайх Саъдуддин Ҳаммуйи эрди ва ахири Хожа Ғариб қаддасаллоҳу арвоҳаҳум". Ва шайх Ҳасан Булғорийнинг аҳволидан мужмале "Мақсади аввал"нинг фасли аввалида шайх Умар Боғистонийнинг зикридаким, Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Аҳрор)нинг жадди аъзоларидан эрди, тақрибан ирод топар (Ҳасаний М., Умурзоқ Б., 2004:51), дея тилга олади.

Ҳасан Булғорий Кирмон зиёратига борганида "Одина" масжидида қўним топади. У ерда Туркон Хотун, Мавлоно Ҳофиз ад-Дин билан учрашганида, ундан Аллоҳдан ёмғир сўраб дуо қилишини илтимос қиладилар, сўнг ёмғир ёғиб, халқ мўл-кўлчиликка эришади. Муридлари унинг сўзларидан, "Муқаддимату дар сулук", "Дар боби замони фитрат", "Савол-жавоблар", "Рисола дар таъвил" ва бошқа турли ҳикоя ва таълиқотларни китобат этганлар (Ҳасан Булғорий, 1397:194-169). Ҳасан Булғорий Табриз шаҳрида милодий 1299 йилда вафот этади.

Шайх Умар Боғистоний илм ўрганиш ниятида Бухорога боради ва у ерда Шайх Ҳасан Булғорий билан учрашиб, унга мурид бўлади. Шайх Умар Боғистоний уч йиллик хизмат ичида Ҳасан Булғорийдан таълим олади ва у зотдан касбу камолот ҳосил қилади (Mukhamedov N., Turambetov N., 2020:211-218). У Шайх Ҳасан Булғорий қўлида валоят даражасини топгани туфайли ўз пири каби "Шайх" номига мушарраф бўлган эди (Маҳмуд Ҳасаний, Каромат Қиличева, 2004:6). Шайх Умар Боғистоний Ҳазрат Хожа Ҳасан Булғорийдан таълим олиб валиюллоҳ бўлдилар (Мухамедов Н., 2014:54-57). У зотнинг ўғиллари Шайх Хованд Таҳурга айтган қуйидаги насиҳатомус ҳикматлари ибратлидир: "Ё Таҳур, мулло бўлма, шайх бўлма, сўфий бўлма, ул бўлма, бул бўлма, мусулмон бўл!" (Садриддин Салим Бухорий, 2015:156).

"Рашаҳоту айнил-ҳаёт" китоби муаллифи Фахруддин Али Сафий шайх Умар Боғистоний раҳматуллоҳ ҳақларидаги маълумотга кўра, у зот насаблари ўн олти восита билан ҳазрат Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга етиб боради. Мана шу ўринда Умар Боғистонийнинг асҳоби киборлари ўлароқ ҳазрат қутбул-восилийн, шайх мажзуби маҳбуб Ҳасан Булғорий номи ва у зотдан кейингилар исмлари тилга олинади (Ҳасаний М., Умурзоқ Б., 2004:270).

Энди эътиборингизга Шайх Ҳасан Булғорийнинг Бухорода олиб борган фаолиятларига қаратамиз. Асли Волга дарёси бўйларида улғайган шаҳзода Ҳасан Булғорий Бухорога келиб жуда оғир ҳаёт тарзини бошидан ўтказди. У дастлаб шаҳар чеккасидаги гузарнинг бир чиллахонасидан қўним топиб, маҳаллий халқ орасида ўз илми ва касб-ҳунари билан тезда танилди. Айниқса, косибчилик бўйича булғор услубига кўра чармга ишлов беришда маҳаллий ҳунармадлар ундан янги техналогияларни ўзлаштирди. Ҳатто, кейинчалик Хожа Ҳасан Булғорий яшаган гузар унга эҳтиром сифатида унинг номи билан аталиб қолди. Бу ҳақидаги маълумотлар ўтган аср маҳаллий ва рус олимларининг ишларида ҳам кўзга ташланади (Чехович О., 1965; Иванов П., 1954). Жумладан, машҳур рус олими Н.Ханыков 1843 йилда Бухоро қабристонлари ва сув омборлари ҳақида гапириб, Хожа Булғор қабристони ва шу номдаги ҳовузни тилга олган (Ханыков Н., 1843:81-82).

Маҳаллий тадқиқотчилар томонидан ҳам Хожа Булғорий илмий мероси ўрганилган. Лекин, уларнинг сони айтарлик кўп эмас. Ушбу ўриндан уларнинг бири ҳақида фикр-мулоҳаза қилиб ўтиш жоиз деб топилди. Масала шундаки, мақола муаллифи Хожа Булғорий фаолиятига бир томонлама эътибор қаратиб, синчиковликдан бироз узоқлашган кўринади. Гап шундаки, *"Отаси билан келиша олмай, Бухорога келиб қолган шаҳзода: у бир ҳунари билан танилди…"* (https://www.bukhari.uz/?p=15180) ва *"Булғорий Бухорий (Хожа Ҳасан) аслида ким эди?"*(Imom Buxoriy saboqlar) номли

мақолаларда гарчи икки турли масала кўтарилсада, аслида уларнинг мазмуни батамом бир хил.

Мақола муаллифи Хожа Булғорийнинг бухороликларга «чарми булғори»ни қандай қилиб пишириш технологияси ва ишлаш методларини ўргатган, деган қизиқарли маълумотни илгари суради. Бу маълумотни В.Бартольд тадқиқотига кўра келтириб жумладан, "Булғорий этиклар" ташқи савдо маҳсулотларидан бўлиб, Туркистонда шуҳрат қозонган. IX-X асрларда Волга бўйидаги икки хонлик – Итил ва Булғор хонликлари билан сомонийлар давлати савдо алоқаларини олиб борганлар. Савдогарлар у ерларда сифати юқори бўлган ошланмаган терилар, қўйлар ва ёввойи ҳайвонларнинг мўйналарини сотиб олганлар", деб келтиради.

Демак, ўз даврида Булғор шаҳри Ўрта асрларда Европа ва Осиёни боғлаб турувчи энг йирик савдо марказларидан бири бўлиб, унда қатор соҳалар қатори сифатли чарм (кўн) ишлаб чиқариши ва уни қайта ишлаш кенг йўлга қўйилган. Албатта, бу жиҳат Ҳасан Булғорийнинг Бухорода маҳаллий ҳунармандчик ривожини янги бир босқичга кўтара олганини англатади. Лекин, мақола муаллифининг "Ҳасан Булғор тахминан X-XII асрларда Бухорога келган бўлиши мумкин. XIII-XIV асрларда унинг келиши мумкин эмас эди. Чунки бу пайтларда мўғуллар Булғор хонлигини тамомила тормор этиб, у ерларни эгаллаган ва шаҳарни ер билан яксон қилган эдилар". Шунингдек, "Хожа Булғорий мусофирлик, дарбадарликда ўз кунини зўрға ўтказиб, камбағалликда вафот этган. Вафот этгандан кейин уни умумий қабристонга элтиб қўювчилар топилмаган ёки бундай қабристоннинг ери олдинроқ сотиб олинганлиги учун уни ҳужраси ёнида дафн қилганлар. Буларнинг ҳаммаси унинг авлиёликдан анча узоқ эканлигидан дарак беради", деган фикрларни илгари суради. Аслида, бу каби маълумотларни илмий жиҳатдан исботлаб, кейин тадқиқ этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хожа Булғорий шахсияти ва унинг Бухородаги фаолиятини ўрганар эканмиз, у ҳақида бирор салбий фикрларга дуч келмадик. Бироқ мақола муаллифи хулосада, "Ҳар нарса ривожининг асоси изланишда бўлгани каби Бухорога келиб қолган шаҳзода ўз изланишлари билан бегона халқ орасида обрў топди. Бухоро тарихи бундай афсоналарга бойдир", деган. Тўғри, қайсидир маънода қадим Бухоро шаҳри тарихий "афсона"ларига эгадир. Лекин, бирор улуғ шахслар илмий меросини ўрганишда бир оз шошилмай, ортиқча эҳтиросларга берилмай аксинча, давр ёзма манбалари ва кейинги тасниф этилган материалларга асосланиб, холис фикрлай олсак, албатта, уларнинг йўлларини тўғри англаган, ҳаёт тажрибаларидан сабоқ олган муносиб ворислар бўламиз.

Аслида, Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садрушшариа ва унинг оиласидан ташқаридаги устози Хожа Ҳасаннинг асосий мақсадларидан бири, халқ орасидаги мавжуд ижтимоий, маданий ва руҳий анъаналарнинг мўғуллар даврида ҳам узлиб қолмасдан давом этишини таъминлашдан иборат бўлган. Натижада, Мовароуннаҳр, Бағдод, Хуросон, Усмонли давлати ва бошқа мусулмон мамлакатларида ҳанафийлик фиқҳи ва мотуридия таълимоти ривожининг мўғуллар бошқаруви даврида ҳам узлуксиз давом этиб, илм масканларида китоб, ўқув қўлланма ва дарсликларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилишига хизмат қилди. Демак, Ҳасан Булғорий ҳақиқатдан ҳам тарихий шахс бўлган. У зот йигирма уч ёшларида Дашти Қипчоқ ғайридинларининг қўлида етти йил асирликда ҳаёт кечирди. Ўттиз ёшида кучли жазабага тушиб, тавбатазарруга киришди. Бу орада қатор азиз авлиёлар ва улуғ машойихлар суҳбати ҳамда хизматида қоим бўлди. Кейинчалик тўққиз йил Булғорда, уч йил Бухорода, йигирма етти йил Кирмонда ва бир йил Табриз шаҳрининг Сухроб қишлоғида яшаб, ўша ерда 93 ёшда вафот этди.

НАТИЖАЛАР

Бухоро шаҳри, бошқа ҳудудлар каби мусулмон Шарқининг йирик илм-фан ва маданият марказларидан бири сифатида кенг танилган. Тарихда бу шаҳарнинг илмий ва диний аҳамияти мислсиз бўлиб, унинг илмий муассасалари ва ундан чиққан олимлари бутун мусулмон дунёсида юқори баҳоланган. Хусусан, Бухоронинг XIII асрда ўзига хос тарихий роли, бир томондан, мўғуллар томонидан амалга оширилган зулмли юришлар билан боғлиқ бўлса-да, бошқа томондан, туркий халқларни бирлаштириш ва мусулмон Шарқида янги бир интеллектуал уйғонишни бошлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Бухоро илм-фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган шахсларнинг бири, албатта, Хожа Ҳасан Булғорийдир. У ўзининг диний, тасаввуфий ва илмий фаолияти билан нафақат Бухоро, балки бутун Мавароуннаҳр ва Хуросон ҳудудларида машҳур бўлган. Унинг илмий анъаналари ва талабалари орасида буюк илм-фан арбоблари, жумладан, Бухоролик Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Садрушшариъа ҳам бўлган. Хожа Ҳасан Булғорийнинг илмий қарашлари ва таълими, хусусан, калом, фалсафа, ҳисоб ва бошқа илм соҳаларидаги билимлари, унинг замонаси илмий ҳаётида муҳим

ўрин тутган.

Бундан ташқари, Хожа Ҳасан Булғорий томонидан таълим олган шахслар орасида машҳур олимлар, масалан, Шайх Умар Боғистоний ва унинг авлодлари бор. Булғорийнинг илмий изланишлари ва унинг тарбиялаган шогирдлари Мавароуннаҳрнинг илмий ва диний меросини бойитишда давом этган. Хожа Ҳасан Булғорий ўзининг ҳаёти давомида нафақат илм-фан, балки тасаввуфий тажриба ва ақида соҳаларида ҳам чуқур билимларга эга бўлганлиги сабабли, унинг номи йиллар давомида эслаб ўтилган ва унинг илмий мероси бугунги кунгача муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолган.

Бухоро ва унинг атрофидаги ҳудудлар, Хожа Ҳасан Булғорий каби буюк алломаларнинг фаолияти орқали мусулмон дунёсининг илмий ва диний марказига айланган. Унинг илмий, диний ва тасаввуфий мероси бугунги кунда ҳам илм-фан ва тасаввуф соҳаларида қимматли манба сифатида қабул қилинади.

ХУЛОСА

Бухоро шаҳри мусулмон Шарқининг илм-фан ва маданият маркази сифатида тарихда катта ўрин эгаллаган. XIII асрда бу ерда илмий ҳаёт жонли ва фаол бўлиб, бир нечта машҳур олимлар ва тасаввуф устозлари етишиб чиққан. Хусусан, Хожа Ҳасан Булғорий бу ҳудуднинг диний ва илмий меросида муҳим ўрин тутган шахсдир. Унинг ўз даврининг барча илмий соҳаларида чуқур билимга эга бўлиши, унга илмни ладуйний тарзда ўзлаштириш имконини яратди. Бу ҳолат, унинг муридлари ва таълими билан боғлиқ бир нечта мисоллар орқали исботланади. Хожа Булғорий ўзининг илмий фаолиятини нафақат Бухорода, балки бутун Мавароуннаҳр, Хуросон ва бошқа минтақаларда ҳам олиб борган, кўплаб шогирдлар етиштирган. Унинг ҳаёти ва илмий ютуқлари, нафақат диний таълимотлар, балки фалсафа, мантиқ, ҳисоб ва бошқа илмий соҳаларда ҳам ўз аксини топди.

Хожа Булғорийнинг Бухорода қурдирган масжидлар ва мадраса, унинг илм ва маърифатга бўлган ҳурматини ва минтақадаги ўрнини мустаҳкамлади. У ўзининг илмий меросини қолган авлодларга етказиш билан бирга, нафақат диний, балки илмий ва фалсафий қарашларни ҳам шакллантирди. Булғорийдан олинган таълимлар нафақат Мавароннаҳрда, балки бошқа ҳудудларда ҳам чуқур таъсир кўрсатди. Унинг илмий ютуқлари ва фаолиятлари, ўз замонасида ва ундан кейинги даврларда муҳим илмий ва диний асарларга асос бўлиб қолди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. *Bukhari.uz*. Retrieved from https://www.bukhari.uz/?p=15180
2. Балжувоний, М.А. (2001). *Тарихи нофеъи.* Академия нашриёти.
3. Бартольд, В.В. (1963). *Сочинения т. II ч.1.* Восточная литература.
4. Бухорий, А.М. (2009). *Тарихи Муллазода (Бухоро мозорлари зикри).* Янги аср авлоди.
5. Бухорий, С.С. (2015). *Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари. Ҳазрат Хожа Булғорий.* Наврўз нашриёти.
6. Давлетшин, Г.М. (1990). *Волжская Булгария: духовная культура (X-нач. XIII вв).* Казань.
7. Жуманазар, А. (2017). *Бухоро таълим тизими тарихи.* Академнашр.
8. Иванов, П.П. (1954). *Хозяйство джуйбарских шейхов.* Академии наук СССР.
9. *Имом Бухорий сабоқлари* (2022, №4). Retrieved from www.bukhari.uz
10. Йулдошев, Н., Қурбанов, Х. (2001). *Бухоро шаҳри ва унинг атрофига зиёратгоҳлар тарихи.* Бухоро нашриёти.
11. Mukhamedov N., Turambetov N. THE ROLE OF THE BAGHISTANY FAMILY IN THE ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) (2020), Vol 9, Issue 11, 211-218 https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:ajmr&volume=9&issue=11&article=034
12. Мухамедов Н.А. (2014) Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosphera.com/ files/ conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
13. *Насабномаи Садр аш-шариъа*. ЎзР ФА ШИ.
14. Насруллаев, Н. (2021). *Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг ҳаёти ва илмий маънавий мероси.* Ўзбекистон халқаро ислом академияси нашриёт- матбаа бирлашмаси.
15. Насруллаев, Н.Ҳ. (2024). *Убайдуллоҳ ибн Масъуд Садруш-шариъа Бухорий ёзма меросининг ислом фиқҳида тутган ўрни* [Матн]. Нурафшон нашриёти.
16. Озел, А. (2006). *Ҳанафий Фиқҳ Олимлари* (2-нашр). Туркия Диянет Вакфи Йайинлари.
17. Сухарева, О.А. (1958). *К истории городов Бухарского ханства.*
18. Сухарева, О.А. (1966). *Бухара XIX – начало XX вв.*
19. Сухарева, О.А. (1976). *Квартальная община позднефеодального города Бухары.* Наука.
20. Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал-Маҳбубий Садр аш-шариъа. (2021). *Ат-Тавзиҳ фи Ҳалли ғавомиз ат-Танқиҳ. Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Ват-Талвиҳ ила кашфи ҳақийиқ ат-Танқиҳ. Маъа ҳошия ат-Тавшиҳ. Лил Аллома Амир Али ибн Маъзум.* Жамиятул Бушрий ал-Хайрия.
21. Ханыков, Н. (1843). *Описание Бухарского ханства.*
22. Ҳанафий, Н. *Туҳфат аз-зоирин* (форс тилида). ЎзР ФА ШИ.

23. Ҳасаний, М., Қиличева, К. (2004). *Шайх Хованди Таҳур.*
24. Ҳасаний, М., Умурзоқ, Б. (2004). *Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Оби ҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар.* ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти.
25. Ҳусайний, М. (1397). *Мақомоти Шайх Ҳасан Булғорий* (форс тилида). Интишороти доктор Маҳмуд Афшор.
26. Чехович, О. А. (1965). *Бухарские документы XIV в.* Наука.
27. Шишкин, В.А. (1963). *Архитектурные памятники Бухары.* Издание комитета наук Узбекской ССР.

REFERENCES

1. Baljovoniy, M.A. (2001). *Tarikhi nofe'i.* Akademiya nashriyoti.
2. Bartold, V.V. (1963). *Sochineniya t. II ch.1.* Vostochnaya literatura.
3. *Bukhari.uz*. Retrieved from https://www.bukhari.uz/?p=15180
4. Bukhariy, A.M. (2009). *Tarikhi Mullazoda (Bukhoro mozorlari zikri).* Yangi asr avlodi.
5. Bukhariy, S.S. (2015). *Bukhoronig tabarruk ziyaratgohlari. Hazrat Khoja Bulghariy.* Navro'z nashriyoti.
6. Chekhovich, O.A. (1965). *Bukharskie dokumenty XIV v.* Nauka.
7. Davletshin, G.M. (1990). *Volzhskaya Bulgaria: duxovnaya kul'tura (X-nach. XIII vv.).* Kazan.
8. *Imom Bukhori saboqlari* (2022, №4). Retrieved from www.bukhari.uz
9. Ivanov, P.P. (1954). *Khozyaystvo dzhuybarskikh sheikhov.* Akademii nauk SSSR.
10. Jumonazar, A. (2017). *Bukhoro ta'lim tizimi tarixi.* Akademnashr.
11. Mukhamedov N., Turambetov N. THE ROLE OF THE BAGHISTANY FAMILY IN THE ISLAMIC CULTURE OF THE REGION. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) (2020), Vol 9, Issue 11, 211-218 https://www.indianjournals.com/ijor.aspx?target=ijor:ajmr&volume=9&issue=11&article=034
12. Мухамедов Н.А. (2014) Идеи толерантности и гуманизма в деятельности учёных суфиев оазиса Ташкент. The culture of tolerance in the context of globalization: methodology of research, reality and prospect http://sociosphera.com/ files/conference/2014/k-05_13_14.pdf#page=54-57 (in Russ).
13. *Nasabnomai Sadr ash-shari'a*. UzR FA SHI.
14. Nasrullaev, N. (2021). *Ubaydulloh ibn Mas'udning hayoti va ilmiy ma'naviy merosi.* O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi nashriyot birlashmasi.
15. Nasrullaev, N.H. (2024). *Ubaydulloh ibn Mas'ud Sadrush-shari'a Bukhariy yozma merosining islom fiqhida tutgan o'rni* [Matn]. Nurafshon nashriyoti.
16. Ozel, A. (2006). *Hanefi Fikh Alimleri*. Turkiye Diyanet Vakfi Yayinlari.
17. Yuldoshev, N., Kurbanov, Kh. (2001). Bukhoro shahri va uning atrofiga ziyaratgohlar tarixi. Bukhara nashriyoti.
18. Sukhareva, O.A. (1958). *K istorii gorodov Bukharskogo khanstva.*
19. Sukhareva, O.A. (1966). *Bukhara XIX – nachalo XX vv.*
20. Sukhareva, O.A. (1976). *Kvartal'naya obshchina pozdnefeodal'nogo goroda Bukhary.* Nauka.
21. Ubaydulloh ibn Mas'ud al-Mahbubiy Sadr ash-shari'a. (2021). *At-Tawzih fi Hali g'avomiz at-Tanqih. Sa'duddin Mas'ud ibn Umar Taftazaniy. Vat-Talvih ila kashfi haqiiq at-Tanqih. Ma'a hoshiyah at-Tawshih. Lil Alloma Amir Ali ibn Ma'zum.* Jamiyatul Bushriy al-Khayriyah.
22. Hanafiy, N. Tuhfat az-zoyirin (fars tilida). UzR FA SHI.
23. Hasaniy, M., Qilicheva, K. (2004). Shaykh Khavandi Tahur.
24. Hasaniy, M., Umurzoq, B. (2004). Rashahotu aynil-hayot ("Obi hayot tomchilari"): tarixiy-ma'rifiy asar. UzR FA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti, Abu Ali ibn Sino nomidagi tibbiyot nashriyoti.
25. Khanikov, N. (1843). Opisanie Bukharskogo khanstva.
26. Husayniy, M. (1397). Maqomoti Shaykh Hasan Bulghariy (fars tilida). Intishoroti doktor Mahmud Afshor.
27. Shishkin, V.A. (1963). Arkhitekturnye pamyatniki Bukhary. Izdanie komiteta nauk Uzbekskoy SSR.